


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

The great writer, astronomer, scientist and Indologist, Abu Rayhan Al-Biruni's writings, researches, innovations and perceptions has been known for the whole academic world for over a thousand years, but the greatest and most interesting aspect of his works is his incisive and deep perception about the cultural, geographical, philosophical and social contours of Indian sub-continent especially Brahminical traditions.

The proposed paper critically analyzes Abu Rayhan Al-Biruni's legacy and contribution to the development of Indology. It is should be noted that Al-Biruni mostly wrote about the Brahminical tradition in India as the region's dominant religious tradition, whereas Buddhism is almost absent from his works. This might suggest that Buddhism disappeared before the influx of Central Asian rulers in the sub-continent.

***Keywords**: Indology, Abu Rayhan Al-Biruni's writings, Indian sub-continent, Brahminical traditions, Budhhism, marginal traditions.*

Г. Машарипова

Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар

Фан тарихчиси – Г. Сартон (1884–1956), XI асрнинг биринчи ярмини ҳақли равишда "Беруний даври" деб атагани бежиз эмас [17: 707]. Абу Райҳон Беруний (973–1048) илмий қизиқишлари ниҳоятда кенглиги, теранлиги, илмий-назарий таҳлиллари-ю таълимотининг доҳиёна беназирилигини умумдунё тан олгани ҳақиқатдир.

Абу Райҳон Беруний ёшлик кезларидан бошлаб кўп илмларни, тилларни ўрганишга интилди. Бу ҳақда "Сайдана" асарида шундай маълумот қолдирган: "Мен болалик чоғимданоқ ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида қуйидаги фактни келтириш мумкин: биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим" [4: 65–66]. Айни пайтда у ўша давр мусулмон оламида расмий илм тили бўлмиш араб тилини мукаммал ўрганган эди: "Ҳар бир халқ ўзи ўрганган, ўз эҳтиёжи учун ўзига ўхшаган кишилар билан алоқа қиладиган тилни севади. Мен бу тўғрида ўзимга қараб фикр юритаман: Каъба новида туяни ёки араб отлари ичида жирафани

кўриб, қанчалик ҳайрон бўлсалар, мен бирор фанга оид асаримни ўзим гапирадиган тилда ёзсам, бунга ҳам худди шундай кулган бўлар эдилар. Сўнг мен араб ва форс тилларида ёза бошладим, лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам менинг она тилим эмас, шунинг учун ўз фикримни бу тилларда баён этишга қийналаман" [4: 71]. Лекин шунга қарамасдан у филология соҳасида ҳам қалам тебратиб, мумтоз араб шеърияти, ҳинд шеърияти тузилишига оид тадқиқотлар, эрон фольклори намуналарининг араб тилига таржималарини яратди [4: 83].

Маълумки, Шарқ астрономик кузатиш асбобларини яратиш техникасининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Аллома мазкур соҳадаги илмий изланишларда фойдаланилган асбобларни такомиллаштириш ва янгиларини яратишга алоҳида эътибор берган. Астрономик кузатишлари воситасида Ой ва Қуёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, иқлим, табиий ва сунъий танланиш, сақланиш, ривожланиш аномалияси каби мураккаб муаммоларни янги илғор метод ва назарий тамойиллар ёрдамида ечишга ҳаракат қилди. Само жисмлари ҳолатини нафақат асбоблар воситасида, балки ўрганилаётган объект хусусиятига мувофиқ амалга оширишни методи алломанинг бу соҳага қўшган улкан хизматларидан биридир [10: 62]. Бундай методологик мўлжал, илмий тадқиқотлар жабҳаси чекланганига қарамай, илмий билишнинг янги йўллари ва воситаларини топиш борасидаги изланишларда муҳим рол ўйнади.

Фалсафада оламни билиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилган ва бу методология (усуллар ҳақидаги таълимот)да ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, Беруний ҳиссий билишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, воқеъликнинг номаълум тамойилларини билиш хусусида шундай дейди: "Билиниши лозим бўлган барча ҳодисаларнинг йўли борки, унинг воситасида билимларга эришиш мумкин, шунингдек, ҳақиқатни билишда имконият ва воқелик орасидаги муносабатнинг мавжудлигини эътироф этади ва уни яққол кўрсатади" [6: 22]. Унинг ижодида кузатиш ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Табиатни илмий ўрганишда кузатиш билишнинг шакллари билан ўзаро боғланган. Унинг фикрича, кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этиб, уни мавжуд кўринишида қайд этади [3: 57, 260]. Бинобарин, олим ўрта аср шароитида табиатшунослик фанига асос солди, унинг турли соҳаларида ўз даври учун таажжубга солувчи илмий фаразлари бир неча асрлардан сўнг Оврўпо илмида ўз исботини топди. У Форобий илмий-фалсафий таълимотига асосланиб Аллоҳни ҳамма нарсанинг илк сабаби, яратувчиси эканини эътироф этади. Ундан келиб чиққан ҳолда табиатда нарсанинг вужудга келиши, ривожланиши, ўзгариши, емирилиши, ҳалок бўлиши жараёнларида объектив қонуният мавжудлигини таъкидлайди

[11: 126–138]. Бироқ инсоният тарихининг ўтган 5 минг йиллик воқеалари таҳлили ва синтези ифодаланган “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида инсон ва жамиятнинг пайдо бўлишини рационалистик позицияда туриб талқин қилади: “Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир” – дейди [6: 50]. Шунингдек, инсонлар ўртасидаги тафовутни фақат ташқи кўриниши орқали фарқлайди, ички тузилиши барчада умумий эканлигини, инсон ва маймун ўртасида ўхшашлик борлигини қайд этади [9: 211].

Тажриба – борлиқни билиш усулларидан бири бўлиб, объектларни кузатиш, тажрибаларни қайта ўтказиш ва кузатишларни текшириш унинг омилларидандир. Тадқиқотчилар фикрига кўра, “Берунийни етарли асос билан ўрта аср фанида эмпирик метод яратувчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. У металлар ва минералларнинг хоссалари ва солиштирма оғирлигини аниқлаш бўйича бир қанча тажрибалар ўтказди” [14: 39]. Бу жараёнда ҳосил бўлган билимни айрим меъёрларга мувофиқ ишончли билим, деб талқин қилди: “Мендаги иштибоҳни фақат тажриба ва такрорий синов бартараф этиши мумкин, ...сўзловчиларнинг якдиллигига қарамай, бунинг ҳақиқийлиги тажрибада ўз тасдиғини топмаган. ... Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибада текширишдан ўзга муваффақиятга элтадиган дастуриламал йўқ” [3: 123]. Зотан, “ҳар бир олим ўз муҳокамасида амалиётга асосланиши, тадқиқотида аниқ, тўхтовсиз меҳнат килиши, хатоларини аниқлаб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдурма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур”, – дея тажриба, кузатишга асосланувчи аниқ илмий тафаккур ғояларини ҳам илгари сурди [3: 176]. Бу мулоҳазалар тажриба, билим олиш ва унинг ҳақиқийлигини текшириш методи сифатида, ўрта аср шароитида ҳам анча кенг тарқалган, дейиш имконини беради. Илгари сурилгани ғоянинг тажриба асосидаги ишончли билим билан боғланиши, хулосанинг ҳақиқийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Беруний қомусий олим ўлароқ сиёсий, ҳуқуқий масалалар билан ҳам қизиққан ва том маънода ўз даврида давлат ва бошқарув масалаларида ўта билимдон шахсдир. У давлат, ҳуқуқ пайдо бўлиши ва уларнинг вазифаларига оид масалаларни Абу Наср Форобий каби табиий эҳтиёжлардан қидиради. Унинг ғояларида диспотияга қаршилик ҳисси сезилиб туради ва одамлар ижтимоий адолатли тартиб-қоида ўрнатиш учун шартнома асосида давлатга бирлашадилар, дейди [15: 89]. Инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги асосий вазифаси – бу меҳнат, барча нарсага у орқали эришишини қуйидаги шаклда эътироф этади: “Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилидаги “шартнома”

тузишга киришади. Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат, унинг ўрни меҳнат билан белгиланади, хоҳишига меҳнат туфайли эришади" [5: 132]. Шунингдек, олим кишиларнинг бой ва камбағал, эзувчи ва эзилувчиларга бўлинишининг асосий сабаби – мулкий тенгсизлик эканини тушунтиради ва фуқаролар ўртасида тузилган меҳнат ва айирбошлаш шартномаларини икки турга бўлади:

1. Қонуний ёки адолатли шартномалар – бунда меҳнатга яраша иш ҳақи олади.
2. Қонунсиз ёки адолатсиз шартномалар – бунда тенгсизлик, зўрлик, қаллоблик амал қилиб, бунда фақат бир томоннинг манфаати эътиборга олинади [9: 245].

Давлат бошлиғи табиатан бошқариш қобилиятига, ўз фикри ва қарорларида қатъийликка эга бўлиши, давлатнинг муҳим масалаларини ҳал этишда донишмандлар қонунларига амал қилиши лозим. Буни Арастунинг Искандарга насиҳати, ҳамда Искандарнинг унга амал қилганига оид ривоят мисолида тушунтирар экан, "Одил ҳокимнинг вазифаси олий ва паст табақалар, кучли ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир", – дейди [6: 73].

Айни пайтда маърифатли шоҳларни улуғлар экан, жамият подшоҳга эмас, подшоҳ жамиятга хизмат қилишини: "Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат" каби мулоҳазалари орқали изоҳлайди [9: 244].

Давлатни бошқариш учун халқ томонидан сайланадиган ҳоким одил ва халқпарвар бўлиши заруриятини "Минералогия" асарида қуйидаги ҳикоя мисолида далиллайди: "...У ерда ўлкани идора қилиш аъёнлари ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб турармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой ҳукм юритармиш. Муддат тугаши билан ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб миннатдорчилик учун садақа беради ва ўз аҳли орасига қайтади, у билан гўё кишандан озод бўлгандай шодланар ва ўз иши билан банд бўлар эмиш. Чунки, давлатни идора қилиш роҳатдан маҳрум бўлиш, ўша жойдаги эзувчиларни эзилувчиларга нисбатан адолатли қилиш учун тинкасини қуритиш деганидир. Бу эса ўз қўл остидагилардан уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун уруш тадбирини тайёрлаш борасида ўз жонини қийнашдир..." [5: 237].

Давлат бошлиғи табиатан бошқариш қобилиятига, ўз фикри ва қарорларида қатъийликка эга бўлиши, давлатнинг муҳим масалаларини ҳал этишда донишмандлар қонунларига амал қилиши лозим. Буни Арастунинг Искандарга насиҳати, ҳамда Искандарнинг унга амал қилганига оид ривоят

мисолида тушунтирар экан, “Одил ҳокимнинг вазифаси олий ва паст табақалар, кучли ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир”, – дейди [1: 74].

Аллома давлат ҳокимиятни наслдан-наслга ўтиб туриши қонун-қоидасига қараб, подшолик меросга айланганини кўриб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслнинг қадимийлиги, аждод-авлодларнинг хизмати билан белгиланишига қарши чиқади. Бу ҳақда: “Кимки ўзининг марҳум қариндош-уруғи ва бувалари орқали мансабга (подшолик ёки ҳокимликка) эришаман деса, унинг ўзи марҳумдир, лекин марҳум авлодлари барҳаётдир”, – дейди [5: 235]. Давлат арбобининг ҳокимиятни бошқариши аждодлари қобилиятигагина эмас, ўз иқтидорига ҳам алоқадорлиги, турли давлат ва ҳукмдорларнинг мавжудлиги, одамларнинг ранги, тили, ташқи кўринишининг турлича бўлиши нафақат наслга, балки улар яшаётган муҳит, ҳаво, сувга ҳам боғлиқлигини таъкидлайди [5: 236].

Маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимоти кўра, инсон ҳаёти ва ижтимоий моҳиятини ақл-идрок, меҳнат, тафаккур, таълим-тарбия белгилайди. “Турар жойлар [орасидаги] масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш [Геодезия]” асарида жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланиши кишиларнинг ҳамкорликда фаолият юритиши заруратидан келиб чиққанлиги эслатади. Бу ғоя унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотида бош дастурий моҳият касб этади. Ростлик, одиллик, адолат – юксак маънавият, гўзал ахлоқ белгисидир. Ўз зарарининг ҳисобига бўлса-да, рост гапир, ҳар бир нарсага одилона ва холисона ёндош, деб таълим беради ва уларга бир умр содиқликнинг ибрат-намунасига айланади [3: 11]. Шунингдек, ўрта асрлардаги ислом мамлакатларида маънавий ҳаёт соҳасида икки асосий оқим орасида муросасиз кескин кураш олиб бориларди. Бу оқимларнинг бири ортодоксал ислом идеологиясини акслантирилиб, ҳукмрон синфнинг манфаатларини ҳимоя қиларди. Бу даврнинг прогрессив ижтимоий-фалсафий қарашларидаги асосий омиллари ва ҳал қилувчи асосий маънавий йўналишлари қуйидагилар бўлди:

1. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавий маданияти ва илмий-табиий тафаккурнинг ютуқлари.
2. Антифеодал халқ ҳаракатларининг идеологиси.
3. Қадимги Юнонисоннинг фалсафий ва илмий-табиий мероси [13: 370].

Аллома мамлакат ва фан равнақи ўзаро узвий боғлиқ деб билган. У халқлар дўстлиги учун курашиб, инсониятга, у яратган фан ва маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қаттиқ қоралаган. Хусусан, “Ҳиндистон” асарида: “Халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп”, дея афсусланар экан, у ерда олиб борган илмий-тадқиқот ишлари орқали ўзаро ҳамкорлик ва маданий

муносабатларни мустаҳкамлаш, илм-маърифатнинг кенг тарқатишга ҳаракат қилди [2: 36]. Шунингдек, асарнинг 9–10, 63–64, 66–69, 72–79-бобларида ҳинд жамиятининг ички тузилиши, у ердаги халқларнинг урф-одатлари, йил, ой ва тарихий саналари, оилавий муносабатлар, маросимлар, никоҳ масалалари ёритилган [2: 87–94, 383–388, 391–401, 406–426]. Мусулмон ва ҳинд урф-одати ва ҳатто, тилидаги фарқларни географик шароитга боғлаб: "Тилларнинг турлича бўлишига одамларнинг гуруҳларга ажралиб, бир-биридан узоқда туриши сабаб бўлган", – деган фикрни илгари сурган [2: 15].

"Қадимги халқлардан қолган тарихий ёлгорликлар" асарида эса турли халқлар: форслар, юнонлар, яҳудийлар, христиан-моликийлар ҳамда христиан-насронийлар, мажусийлар, собитлар, бутпараст ва мусулмон араблар, турклар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган [6: 50, 188, 252, 280, 285, 319, 331, 346, 365, 386]. Мазкур халқ вакиллари эътиқоди хусусида эса, "ақлий нарсалардан далил келтириш, кузатилган нарсаларга қиёс қилиш йўли билан ҳақиқий малумотга эга бўлиш мумкин эмас. Бунга фақат "китоб аҳллари" ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан белгиланади. Сўнгра уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади", – дейди [6: 406].

Абу Райҳон Берунийнинг фикрлари, бир томондан, Марказий Осиё, қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ижодий ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан, унинг етуклиги тафаккур доирасининг кенглигидан далолат беради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси, аниқ ва табиий фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, фалсафий дунёқараш шаклланишида катта аҳамиятга касб этган. Астрономик жадвалида оламнинг маркази Ер эмас, балки қуёшдир, ҳамма планеталар, жумладан, Ер ҳам қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик гипотезани олға сурди. Бу илмий хулоса 500 йилдан кейин улуғ астроном Коперникнинг гелиоцентрик системасида илмий асосда тасдиқланди [12: 23]. Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида эса коинотдаги планеталар, ҳатто, Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга, деган хулосага келади [8: 5–6]. Бу талқини XVIII аср бошида инглиз олими Ньютон кашф этган бутун дунё тортилиш қонуни билан илмий жиҳатдан асосланди [11: 494–495]. Абу Райҳон Беруний ижтимоий-сиёсий қарашлари орқали нафақат Марказий Осиё, балки қадимги юнон ва ҳинд мутафаккирларининг илғор анъаналарини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди, ҳамда тарихда жамиятшунос олим сифатида муносиб ўринга эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения / Перев. и прим.: М.А. Салье. Т. I. Ташкент, 1957.
2. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения / Перев.: А. Б. Халидова, Ю.Н. Завадовского. Коммент.: В.Г. Эрмана, А.Б. Халидова. Т. II. Ташкент, 1963.
3. Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Определение и границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами [Геодезия] / Исслед., перев. и примеч. П. Г. Булгакова; Отв. ред. А.К. Арендс. Т. III. Ташкент, 1966.
4. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Фармакогнозия в медицине (“Китаб ас-сайдана фит-т-тибб”) / Исслед., перев, прим. и указатели У.А. Каримов. Т. IV. Ташкент, 1973.
5. Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Перев. А. М. Беленицкого. Ленинград, 1963.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Араб тилидан таржима А. Расулов. Изоҳлар И. Абдуллаев, А. Расуловники. Т. I. Тошкент, 1968.
7. Аль-Фараби. О достижении счастья // В кн. Социально-этические трактаты / Отв. ред. Ш.Е. Есенов. Алма-Ата, 1973.
8. Беруний ва Ибн Сино савол-жавоблари иккинчи нашр / Нашрга тайёрловчи: А.Ирисов. Тошкент, 1973.
9. Машарипова Г.К. Хоразм Маъмун Академияси алломалари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий меросининг ижтимоий тафаккур тараққиётига таъсири. Монография. Тошкент, 2019.
10. Носирходжаева Г. Концептуально-методологические аспекты историко-научного, в том числе историко-философского наследия Беруни. Проблемы историко-философской мысли в трудах Беруни / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ташкент, 2001.
11. Тарг С.М. Сила инерции // Физическая энциклопедия: [в 5 т.] / Гл. редактор А.М.Прохоров. Москва, 1994.
12. Умаров Г.Я. Беруни, Коперник и современная наука. Ташкент, 1973.
13. Хайруллаев М. М. Фараби – крупнейший мыслитель средневековья. Ташкент, 1973.
14. Хайруллаев М. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Фаргона, 1988.

15. Шарипов А. Берунийнинг гуманистик қарашлари // Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. Б. 89.
16. Masharipova G. K. Philosophical views of Abu Reikhan Biruni. International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences // India. 2019, may.
17. Sarton G. Introduction to the histori of science. Vol. I-III. Baltimore, 1927–1948.

Г. Машарипова

Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар

Мақолада Абу Райҳон Беруний илмий меросидаги оила, маҳалла, одоб-ахлоқ, кишиларнинг турмуш тарзи, нималарга муҳтож эканлиги, тили, ҳаёт тажрибалари асосида кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ёритилган. Абу Райҳон Беруний Марказий Осиёдагина эмас, балки умуман Шарқда, жаҳон фани, маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. Унинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минералогия”, “Ҳиндистон” каби асарларида ижтимоий ҳаёт масалалари, инсон ва унинг аҳволи, жамият ҳаёти, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрлари баён этилган.

Калит сўзлар: *минералогия, ижтимоий муносабатлар, диний қарашлар, илм-фан, тарбия, ахлоқ, қоидалар.*

Г. Машарипова

О социальных взаимоотношениях в трудах Абу Райхана Беруни

Статья посвящена вопросам социальных взаимоотношений в семье, махалле, в обществе, а также вопросам нравственно-этическим аспектов эпохи Беруни. Абу Райхан Беруни является не только ярким представителем научной мысли Центральной Азии и Востока, но и всей мировой науки и культуры. В его работах, таких как «Памятники минувших поколений», «Минералогия», «Индия» содержатся ценные сведения о критериях справедливого управления государством, достойных граждан и социальной жизни населения.

Ключевые слова: *минералогия, общественные отношения, религиозные верования, наука, воспитание, мораль, этикет.*

G. Masharipova

Social relations in the works of Abu Rayhan Biruni

The article examines social relations (family, mahalla and society) in the works of Abu Rayhan Biruni while paying close attention to the moral and ethical aspects of his works. Biruni is considered to be as one of the most prominent scholars in the history of sciences belonging not only to Central Asia, but to the entire Muslim world. His works, "The Remaining Signs of Past Centuries," "Mineralogy" and "India," contain valuable information on governance, good citizens and social life.

Keywords: *mineralogy, social relations, religious beliefs, science, education, etiquette.*

М. Хандамова

Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний (973–1048) замонасининг кўпгина фанларини эгаллаган мутафаккир. Берунийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар – берунийшуносликни юзага келтирди. 1973 йили Беруний таваллудининг минг йиллиги муносабати билан берунийшунослик соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар нашр қилинди. Хусусан, П.Г. Булгаковнинг фундаментал монографияси, Б. А. Розенфельд, У. И. Каримов, А. Шарипов, А. Расулов ва А. Аҳмедовлар томонидан нашр қилинган Берунийнинг "Сайдана", "Таҳфим" ва "Қонуни Масъудий" асарлари шулар жумласидандир [7; 10; 2; 12; 13].

Америкалик фан тарихчиси Ж.Сартон Беруний асарларини синчковлик билан ўрганиб, олимга юксак баҳо бериб, XI асрнинг биринчи ярмини "Беруний асри" деб атади ва "Беруний замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир", деб эътироф этган эди [16: 707].

Берунийнинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фан соҳалари билан боғлиқ тадқиқ этиш услуби аниқ маълумот ва фактларга асосланиш, уларни умумлаштириш ва идрок этиш, қиёсий таҳлил ва холисона баҳолашдан иборат бўлган. Жумладан, немис олими Э. Захау алломанинг фан